

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

Магистратура бўлими

“Молия ва сұғурта хизматлари” кафедраси

“Бюджет-солик сиёсати” фанидан

**“Соликларни самарали бошқаришни ташкил этиш ва
ривожлантириш” мавзусида**

КУРС ИШИ

Бажарди: МДМ-116 гурӯҳ талабаси
Очилов Мирзобобур

Илмий раҳбар: проф. Ходжаев Э.Н.

Самарқанд-2018

Мундарижа

Кириш.....	3
I Боб. Солиқларни самарали бошқариш зарурияти ва имкониятлари	
1.1. Бозор иқтисодиёти шароитида солиқларни бошқариш аҳамияти.....	5
1.2. Корхоналарда солиқларни бошқаришнинг зарурияти.....	9
II Боб. Солиқларни режалаштириш механизмлари	
2.1. Солиқларни режалаштириш босқичлари.....	13
2.2. Солиқларнинг амал қилиш ва корхоналарни солиқ муносабатларини бошқариш омиллари.....	16
Хулоса.....	21
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	23

Кириш

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида мамлакатимиз барқарор иқтисодий ўсишини таъминлашда «... солиқ юкини камайтиришга қаратилган оқилона солиқ сиёсати иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларга, хўжалик юритувчи субъектларнинг ишбилармонлик фаоллиги ва молиявий барқарорлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда»¹. Шу боисдан мамлакатимиз барқарор иқтисодий ўсишини таъминлашда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи хўжалик субъектлари фаолиятини молиявий кўллаб қувватлашда солиқ механизмидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Бу жараёнда корхоналарнинг солиқлар бўйича берилаётган имтиёз ва енгилликлардан тўғри фойдаланилиши ташкил этилиши корпоратив солиқ менежментининг самарали амал қилиши билан бевосита боғлиқ.

Бозор иқтисодиёти шароитида давлат солиқ менежментига параллел равишда корпоратив солиқ менежменти ҳам ривожланиб боради. Корпоратив солиқ менежменти корпоратив тузилмаларнинг давлат билан солиқ муносабатларини бошқариш, яъни солиқлар ва мажбурий ажратмалар бўйича мажбуриятларини бажариш жараёнида пайдо бўладиган муаммоларини ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга. Корпоратив солиқ менежменти корпоратив молияни бошқаришнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Солиқларни режалаштириш, солиқ рискларини бошқариш, солиқларни қонуний камайтириш чора-тадбирларини амалга ошириш хўжалик юритувчи субъектлар молиявий барқарорлигига ижобий таъсир кўрсатиши билан бир вақтда солик мажбуриятлари белгиланган тартибда бажарилиши орқали давлат бюджети даромадлари ижроси белгиланган тартибда бажарилишига ижобий таъсир кўрсатади. Юқоридагилардан келиб чиқиб, республикамиизда солиқ менежментини ривожлантиришга қаратилган назарий-амалий

¹ Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – Б. 10 11.

муаммоларни чуқур илмий тадқиқ этишнинг зарурлиги тадқиқот мавзуси долзарблигини ва мақсадини белгилайди.

Мавзунинг мақсади солиқларни самарали бошқариш орқали бюджет даромадларига тушадиган тўловларни ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги **вазифалар** белгилаб олинди:

- бозор иқтисодиёти шароитида солиқларни бошқариш аҳамиятини ўрганиш;
- корхоналарда солиқларни бошқаришнинг заруриятини асослаш;
- солиқларни режалаштириш босқичларини ёритиш;
- солиқларнинг амал қилиш ва корхоналарни солик муносабатларини бошқариш устувор йўналишларини ишлаб чиқиши.

Курс иши обьекти солиқларни самарали бошқариш механизmlари бўлиб ҳисобланади.

Курс иши предмети солиқларни ундиришни режалаштириш орқали иқтисодий ўсишни таъминлаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг услуг ва услугияти. Курс ишини ёзиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган Қонунлар, Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари, ватанимиз ва хорижий иқтисодчи олимларнинг мавзу доирасида олиб борган тадқиқотларидан фойдаланилди.

Бозор муносабатлари шароитида давлат молиясини бошқаришда бюджет-солик сиёсатининг тутган ўрнини асослашга йўналтирилган ушбу курс иши юқоридаги масалаларни ижобий ҳал этишда амалий ёрдам бериши, шубҳасиз.

Курс ишининг ҳажми. Курс иши кириш қисми, тўртта параграф, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I Боб. Солиқларни самарали бошқариш зарурияти ва имкониятлари

1.1. Бозор иқтисодиёти шароитида солиқларни бошқариш аҳамияти

Бозор иқтисодиёти шароитида давлат солиқ менежменти давлат аҳамиятига эга илмий амалий, ижтимоий иқтисодий муаммоларни ҳал этишда муҳим роль ўйнайди. Давлат солиқ менежментининг тўғри йўлга қўйилиши макроиктисодий даражада умумдавлат иқтисодиётига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. «Давлат солиқ менежменти – давлатнинг бевосита функцияларидан бири ва унинг иқтисодий сиёсатининг муҳим элементидир»². Корхоналар миқёсида солиқлар бўйича пул оқимларини бошқаришнинг аҳамиятини солиқлар ва мажбурий ажратмаларни тежаш орқали хўжалик субъектлари иқтисодий тараққиёти ва молиявий барқарорлигини таъминлашда ўз аксини топади. «Корпоратив солиқ менежменти – корхона ва ташкилотлар молиявий хўжалик фаолиятининг ажralmas қисми бўлиб, солиқ тўловчи томонидан солиқ юкини камайтиришнинг қонуний воситасидир»³.

Давлат солиқ менежментида солиқлар ва мажбурий ажратмаларни самарали бошқариш орқали ўз бошқарув функцияларини молиявий жиҳатдан таъминлайди ва мамлакат тараққиётига замин яратади. Бунда давлат солиқ менежменти моҳиятини солиқлар амал қилиши бўйича умумий тамойиллар, методологик қоидалар ишлаб чиқиши орқали солиқ муносабатларини тартибга солиш борасидаги фаолиятида кўришимиз мумкин. Солиқларнинг хўжалик субъектлари молиявий ҳолатига таъсирини ҳисобга олган ҳолда қабул қилинган қарорлар бизнес тақдирини билан беради. Солиқлар ва мажбурий ажратмалар бўйича давлат бюджети билан ҳисоб китоблардаги ҳар қандай хато ёки камчилик корхона учун қўшимча молиявий ҳисоблашишларни юзага

² Евстигнеев Е.Н. Налоги и налогообложение. 3 е изд. – СПб.: Питер, 2009. – С. 223.

³ Евстигнеев Е.Н. Налоги и налогообложение. 2 е изд. – СПб.: Питер, 2009. – С. 224.

келтириши ва жиддий молиявий йўқотишларга олиб келиши мумкин. Мазкур ҳолатларнинг олдини олишда ва солиқлар бўйича мажбуриятларни қонуний йўллар, усууллардан фойдаланган ҳолда максимал даражада камайтириш мақсадида корпоратив солиқ менежментини ташкил этиш лозим бўлади. Юқоридагилардан келиб чиқкан ҳолда қуйида давлат солиқ менежменти ва корпоратив солиқ менежментининг ташкилий хусусиятларини келтириб ўтамиз (1-расм): Корпоратив солиқ менежменти солиқ мажбуриятларини бажариш жараёнида пайдо бўладиган муаммоларни ҳал қилишда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Б. Тошмуродова «Корхоналарда солиқ менежменти – солиқ тўловларини оптималлаштириш билан боғлиқ фаолият сифатида уларни самарали бошқаришдир ва у молиявий менежментнинг ажралмас қисми ҳисобланади»⁴, дея изоҳласа, Е.Н. Евстигнеев фикрича «Корпоратив солиқ менежменти – иқтисодий субъект молиясини бошқаришнинг таркибий қисмидир»⁵.

Иқтисодий адабиётдаги турли иқтисодий қарашларни таҳлил қилган ҳолда корпоратив солиқ менежментига қуйидаги таъриф ишлаб чиқилди: корпоратив солиқ менежменти – давлат солиқ менежменти томонидан белгиланган қонунчилик доирасида микродаражада солиқлар бўйича пул оқимлари ҳаракатини самарали бошқариш орқали солиқ мажбуриятларини минималлаштириш, тартибга солиш, солиқ хатоларининг олдини олиш, солиқ тўлашнинг қулай вазиятларини танлашга қаратилган корпоратив молияни бошқариш тизимининг муҳим бўғинидир.

Иқтисодиётни глобаллашуви шароитида солиқларнинг тартибга солувчилик функциясига катта эътибор бериб келинмоқда.

⁴ Тошмуродова Б.Э. Иқтисодий тараққиётга эришишда солиқлардан самарали фойдаланиш. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент, 2007. – Б. 22.

⁵ Евстигнеев Е.Н. Налоги и налогообложение. 2 е изд. – СПб.: «Питер», 2006. – С. 225.



1-расм. Давлат солиқ менежменти ва корпоратив солия менежменти ташкилий хусусиятлари

Иқтисодий тараққиётнинг ҳозирги босқичида, Ўзбекистонда ҳукуматнинг иқтисодиётни соликлар воситасида режали тартибга солиш сиёсати йўналишларини қуидаги гурухларга бўлиб ўрганиш мумкин:

- мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг устувор йўналишларини соликларни режалаштириш орқали тартибга солиш сиёсати таъсирида ривожлантиришга эришиш;
- устувор тармоқларни соликларни режалаштириш воситасида тартибга солиш сиёсати орқали ривожлантиришга эришиш;
- ижтимоий аҳамиятга молик соҳаларни соликларни режалаштириш воситасида тартибга солиш сиёсати таъсирида ривожлантиришга эришиш.

Умуниқтисодий ўсиш ва барқарорликка эришишда ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг устувор йўналишларини соликларни режалаштириш орқали тартибга солища давлат томонидан таянч иқтисодий йўналишлар танланади. Бу тадбир қуидаги йўналишларни ривожлантиришни ўз ичига олади:

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни, ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш;
- кичик ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш;
- илмий-техник тадқиқотлар билан шуғулланиш;
- илмий-тадқиқот натижаларини саноатда қўллаш;
- инвестицион фаолиятларга, ижтимоий заарали маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар фаолиятини билвосита чеклаш;
- ер усти ва ер ости бойликларидан самарали фойдаланишни тартибга солиш.

Устувор тармоқларни соликларни режалаштириш воситасида тартибга солиш сиёсати орқали ривожлантиришда халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъати, енгил ва маҳаллий саноат соҳаларини, болаларбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантириш, туризм соҳасини ривожлантириш, теннис ва футболни қўллаб-қувватлаш фондлари фаолиятини солиқли

рағбатлантириш каби давлат аҳамиятига молик тадбирлар ишлаб чиқилади ва амалиётта тадбиқ этилади.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг ижтимоий сиёсати барча жабҳаларда ўзини намоён этади. Жумладан, жамиятда таълим-тарбия, соғломлаштириш тадбирлари, аҳолининг уй-жой таъминоти, нафақаҳўрлар, ногиронар, меҳнат ва уруш фахрийлари, меҳнат қобилиятини йўқотганлар, ёш болали ва бокувчисини йўқотган кишиларни ижтимоий ҳимоялаш, аҳоли айрим қатламлари даромадларини қайта тақсимлаш ва тартибга солиш чоралари солик қонунчилигига ҳам ўз аксини топган.

Шуниси диққатга сазаворки, солик қонунчилигига соликларнинг тартибга солувчилик ролига ургу берувчи асослар яратилганига қарамасдан, биз таҳлил этаётган юридик шахслар фаолиятида ўшбу солик имтиёzlари доирасига тушишга, пасайтирувчи ставкаларда соликқа тортилувчи фаолиятлар билан шуғулланишга ўтиш, солик юқидан четланиб ўтишнинг қонуний йўлларини излаб топиш усувлари қарийб учрамайди.

1.2. Корхоналарда соликларни бошқаришнинг зарурияти

Корхоналарда соликларни бошқариш тизими солик мажбуриятларини бошқариш, соликларни режалаштириш, солик рискларини бошқариш, ички солик назоратини ташкил этиш, солик тўловларини ўзаро мувофиқлаштириш, соликларни қонун доирасида камайтириш бўйича схемалар ишлаб чиқиш ва бошқаларни ўз ичига қамраб олади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда корпоратив солик менежментининг асосларини қуйидаги расмда келтириб ўтамиз (2-расм).

Корхоналарда соликлар бўйича пул оқимларини бошқаришнинг муҳим йўналишларидан бири соликларни режалаштириш ҳисобланади.



2-расм. Корпоратив солик менежменти асослари

Солиқларни режалаштириш тушунчаси айрим иқтисодчи олимлар томонидан «Хўжалик субъектларида солиқларни режалаштириш – хўжалик субъектлари ягона иқтисодий тараққиёт стратегияси доирасидаги молиявий хўжалик фаолиятини бошқаришнинг ажralmas қисми бўлиб, ресурсларнинг чекланганлиги шароитида корхонанинг келажакдаги молиявий ҳолатини белгилаш учун оптималь қонуний солик тўлаш усуллари ва методларидан ҳамда солик тўлашнинг мумкин бўлган муқобил вариантларидан фойдаланиш тизимидағи жараёнларни ўзида акс эттиради»⁶, деб таъкидланса, Е.Н. Евстигнеев томонидан эса «қонуний тақдим этилган имтиёзлардан фойдаланиш орқали солиқларни айланиб ўтишнинг қонуний усуллари ва солик мажбуриятларини камайтириш йўллари»⁷ сифатида талқин этилади.

Солик тизимида амалга оширилаётган туб ўзгаришлар биринчи навбатда иқтисодиётни модернизациялаш талабларига тўлиқ жавоб бера олиши лозим. Бунинг учун эса, ривожланган солик тизимлари тажрибалари асосида қуидагиларга эришмоқ талаб этилади.

Биринчидан, тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятини камида ўрта муддатли даврга режалаштира олиши ва ривожланишининг истиқболини аввалдан билишига имконият яратадиган солик тизими барқарорлигини таъминлаш зарур. Ҳозиргача мамлакат солик тизимининг барқарорлигига эришилганича йўқ, аксинча, сўшти пайтларда Солик кодексига ва бошқа солиқка оид қонун ҳужжатларига жуда кўп ўзгартишлар киритилмоқдаки, улар солиқларни турлари кесимида прогнозлаштирилиши ҳам таъсир этмоқда. Солиқларни режалаштириш тартиби прогнозли хусусиятга эга бўлиб қолмоқда. Шу боис солиқларни режалаштириш ва режалаштиришга тобе бўлмаган солик турини аниқлаш уни ҳар томонлама ўрганиш орқали режалаштириш доирасига чиқариш борасида чора-тадбирлар қабул қилиш мухим аҳамиятга эга бўлмоқда.

⁶ Сердюков А.Э., Вылкова Е.С, Тарасевич А.Л. Налоги и налогообложение. – СПб.: Питер, 2008. – С. 502.

⁷ Евстигнеев Е.Н. Налоги и налогообложение. – М.: ИНФРА-М, 2001. – С. 78.


Иккинчидан, иқтисодиётда соғлом рақобатни таъминлаш мақсадида солиқ юки адолатли тақсашаниши лозим. Бироқ, ҳозирги кунда бу муаммо лозим даражада ҳал қилинган деб бўлмайди. Чунки, солиқ тизими кўп сонли солиқ режимларидан ташкил топгани ҳолда жуда табақалашиб кетган. Мазкур солиқ режимларида солиқка тортиш даражаси турлича бўлгани сабаб, иқтисодиётда солиқ юки нотекис тақсимланган. Бундан ташқари, хўжалик субъектларининг айрим тоифаларига (баъзи ҳолларда ҳатто индивидуал тарзда) жуда кўп ва сурункали тарзда солиқ имтиёзлари бериб юборилмоқдаки, бу улар ўртасида тенгсиз рақобат шароитини юзага келгйрмоқда. Бугунга кунда Ўзбекистонда солиқка тортиш умумий ҳолда, 20 дан ортиқ солиқ режимлари асосида амалга оширилмоқда. Турли солиқ режимларида солиқлар сони, таркиби, обьекти, базаси, ставкалари, имтиёзлар, тўлов муддатлари ва бошқа элеменлар фарқланади.

II Боб. Солиқларни режалаштириш механизмлари

2.1. Солиқларни режалаштириш босқичлари

Бизнингча, солиқларни режалаштириш – қонунчилик томонидан тақдим этилган енгилликлар ва солиқ мажбуриятларини қисқартишишнинг бошқа қонуний усулларидан фойдаланган ҳолда солиқ ва уларга тенглаштирилган тўловларни камайтириш бўйича белгиланадиган молиявий режалаштириш туридир. Солиқ тўловчининг ҳақлиги презумпция хуқуки тан олиниши солиқларни максимал даражада қисқартириш учун қонунчилик йўл кўйган усул ва воситалар, шу жумладан, қонунчиликдаги қарама қаршилик ва ноаниқликлардан фойдаланиш имкониятини бериши солиқларни режалаштиришнинг аҳамиятини янада оширади. Мазкур масалани ўрганиш натижасида корпоратив миқёсда солиқларни режалаштириш стратегик режалаштириш, жорий режалаштириш, оператив режалаштириш, режалаштириш самарадорлигини баҳолаш каби босқичларда ва ҳар бир босқич бўйича алоҳида йўналишларда ташкил этилиши ижобий аҳамият касб этади, деган фикрга келдик (3-расм).

Корхоналарда солиқ юкини камайтириш биринчи навбатда солиқлар бўйича давлат томонидан тақдим этилган амалдаги барча имтиёзлардан окилона фойдаланиш билан боғлиқ бўлса, солиққа тортиш мақсадида пухта ўйланган молия-хисоб сиёсатини ишлаб чиқиши ва қабул қилиш солиқларни самарали режалаштиришнинг йўналишларидан биридир. Шунингдек, белгиланган муддатларда солиқларни тўламаслик пеня кўринишидаги жарима ва санкцияларни келтириб чиқаради. Шунинг учун корхоналарда солиқ ҳисоби ва тўловларни ўз вақтида амалга ошириш мақсадида солиқ календарини тузиш ва ундан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Солиқ календарини тузишда солиқ тўловлари муддатларини, тўловларни банк орқали ўтказиб бериш учун кетадиган вақтни ва бошқа омилларни инобатга олиш лозим.



3-расм. Солиқларни режалаштириш босқичлари ва йўналишлари

Таъкидлаш мумкинки, корхоналарда солиқларни режалаштириш жараёнида юқорида келтирилган жиҳатларга корхона молиявий масалалар бўйича раҳбарларининг қатъий амал қилиши ҳамда уни жорий этиш кетма-кетлигига алоҳида эътибор бериш фаолият жозибадорлигини таъминлайди. Бу, ўз навбатида, корхоналар молиявий ҳолатининг барқарорлашишига ҳамда давлат бюджетига солиқ тушумларининг ўз вақтида ва тўлиқ тушишига хизмат қиласди.

Солиқларни бюджетга ўз вақтида ва белгиланган суммаларда тушиб туришини таъминлашни такомиллаштириш асосий йўналишларининг яна бири солиқ тушумлари даражасининг режалаштирилиши ва

прогнозлаштирилиши билан боғлиқдир. Бунинг учун солик тушумларини режалаштириш жараёнида ҳозирги пайтда амалга оширилаётган ишларга қўшимча равишда яна қуидагиларни ҳисобга олмоқ лозим:

- а) ҳудудий мулкнинг даромадлилигини (минтақанинг молиявий жиҳатдан таъминлаганлик ва бюджет самарадорлиги коэффициентларидан фойдаланиш орқали), минтақа ихтисослашган тармоқларининг техникавий янгиланишига эҳтиёжини, меҳнатга ҳақ тўлашнинг аҳволини, минтақанинг ресурс базасини, ҳудуднинг экспорт-импорт операцияларини амалга оширишдаги иштирокини, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилманинг сифатини, транспорт магистраллари билан таъминлаганлигини ва ҳ.к.ларни баҳолаш;
- б) минтақанинг иқтисодий ўсиш суръатларини ҳисобга олган ҳолда солик тушумларининг ҳажмини режалаштириш;
- в) вилоятлар иқтисодиётининг ресурсларини ташкил қилувчиларни ва мулкларнинг турларини инвентаризация қилиш асосида уларнинг (вилоятларнинг) ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларини режалаштириш. Ҳудудий мулкдан фойдаланишдан олинадиган маблағлар ва ички эҳтиёжларни қондиришга хизмат қиласиган, шу жумладан, марказлашган ҳолда худудидан чиқиб кетаётган маблағларнинг хиссасини (салмоғини) аниқлаш. Умумдавлат, корпоратив ва шахсий иқтисодий манфаатларни мувофиқлаштириш механизмига ва мулкчилик муносабатларига объектив зарурий ўзгаришлар киритиш;
- г) солик тушумларини режалаштириш жараёнида бюджет тақчиллиги, инфляция даражаси, баҳолар индекси ва бозор индикаторлари каби омилларни ҳисобга олиш;
- д) солик тўловчиларининг бюджет билан бўладиган ўзаро муносабатларидаги ижобий ва салбий қолатларни ҳар томонлама ўрганиш, шу муносабатлар ривожланишининг қонуниятларини аниқлаш;

е) солиққа тортиш бутун тизими, унинг алоҳида элементлари ва алоҳида олинган молиявий-хўжалик фаолиятининг кўрсаткичларига ва аксинча таъсирини аниқлаш мақсадида бюджет-солик муносабатлари тизимида таҳлилни амалга ошириш;

ё) кўзда тутилмаган иқтисодий: молиявий, бюджет ва солик вазиятлари, мол-мулк солиғини тўловчиларнинг мақсади ва бюджетнинг мақсади ўртасидаги узилишларнинг вужудга келиш эҳтимолини тахминий баҳолаш. Уларни маълум даражада юмшатиш ва уларга тўлиқ бархам бериш бўйича чоралар тизимини ишлаб чиқиши.

2.2. Солиқларнинг амал қилиш ва корхоналарни солик муносабатларини бошқариш омиллари

Солиқларнинг амал қилиши ва корхоналарнинг солик муносабатларига киришиши солик рисклари юзага келишига сабаб бўлади. Солик рисклари моҳияти, уларнинг юзага келиш сабаблари ҳақида солик тўловчиларнинг етарлича тушунчага эга эмасликлари кўп холатларда уларнинг жиддий молиявий йўқотишлигига олиб келиши мумкин.

Солик рискларини баҳолашнинг назарий асосларига бағишиланган турли иқтисодий қарашларни кўриб чиқиши мақсадга мувофиқ. Баъзан солик рискларини ташкил этувчи ташқи жиҳатлар алоҳида олиниб, солик риски сифатида янги солик тўловларининг амалиётга киритилиши, тўлов шартлари ва ставкаларининг ўзгариши, солик имтиёзларининг бекор қилиниши ва бошқа шу кабилар билан боғлиқ равища пайдо бўладиган рисклар тушунилади⁸. Лекин, шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, солик рискларининг пайдо бўлиши нафақат ташқи, балки қатор ички омилларга ҳам боғлиқ равища намоён бўлиши мумкин. Солик хатолари сифатида шундай ички омилларни ҳам ҳисобга олганда солик риски солик қонунчилигидаги нокулай

⁸ Козенкова Т.А. Налоговое планирование на предприятияи. – М : АиН, 1999. – С. 15.

ўзгаришлар ёки солиқ тўловларини ҳисоблаш вақтида йўл қўйилган хатолар билан боғлиқ молиявий йўқотиш сифатида баҳоланади⁹. Фикримизча, солиқ рисклари бўйича ички омилларни фақатгина солиқ хатолари билан чегаралаб қўйиш тўғри бўлмайди. Солиқ рискига бирмунча кенгроқ таъриф Е.Н.Евстигнеев томонидан таклиф этилган бўлиб, «конкрет солиқ тўловчи учун солиқка тортиш соҳасида пайдо бўлиши мумкин бўлган нокулай оқибатларни баҳолаш»¹⁰ солиқ риски сифатида акс эттирилади, лекин бу мулоҳаза солиқ санкцияси қўлланилиши билан боғланади. Бошқа томондан солиқ рискларини аниқлашда солиқ санкцияларидан ташқари молиявий йўқотишлар ҳам бўлиши мумкинлиги ҳақида Д.Н.Тихонов ва Л.Г.Липниклар алоҳида тўхталиб, бунда «солиқ риски пул эквивалентида акс этадиган солиқларни тўлаш ва оптималлаштириш жараёни билан боғлиқ йўқотиш»¹¹ сифатида тушунтирилади.

Юқоридагилардан келиб чиқкан ҳолда солиқ риски тушунчасига солиқ тўловчиларнинг ўз мажбуриятларини бажариш борасидаги фаолияти давомида юзага келиши мумкин бўлган ва молиявий йўқотишларга сабаб бўлувчи хавф хатар дея таъриф бериш мақсадга мувофик, деб ўйлаймиз.

Солиқ рискларини субъекти бўйича (давлат, солиқ агентлари, солиқ тўловчилар, ўзаро боғлиқ шахслар рисклари), пайдо бўлиш манбасига кўра (ички ва ташқи солиқ рисклари), пайдо бўлиш вақтига кўра (сунъий равища йўл қўйилаётган ва келажакда юзага чиқиши мумкин бўлган рисклар), таъсир қилиш обьектига кўра боғлиқлиги бўйича (фойданинг йўқотилиши, моддий қийматликларнинг йўқотилиши, тўловга лаёқатсизлик, инвестицион ва бошқалар), оқибатларига кўра (солиқ назорати, солиқ юки ортиши, жиноий

⁹ Филин С.А. Финансовый риск и его составляющие для обеспечения процесса оценки и эффективного управления финансовыми рисками при принятии финансовых управлеченческих решений // Финансы и кредит. – Москва, 2002. – № 3. – С. 23.

¹⁰ Евстигнеев Е.Н. Основы налогового планирования. – СПб.: Питер, 2004. – С. 196.

¹¹ Тихонов Д.Н., Липник Л.Г. Налоговое планирование и оптимизация налоговых рисков. – М.: Альпина Бизнес Букс, 2004. – С. 105.

ва солиқ текшируви даражасидаги рисклар), таъсир этиш даражасига кўра (енгил, кескин, ҳалокатли) таснифлаш мумкин.

Солиқ органлари томонидан ўтказиладиган солиқ назорати даврида солиқ ҳукуқбузарликларининг аниқланиши солиқ тўловчиларга нисбатан амалдаги қонунчиликка кўра жавобгарлик чоралари қўлланилишига ва бу, ўз навбатида, солиқ тўловчининг жиддий молиявий йўқотишларига сабаб бўлади. Мазкур ҳолатда солиқ рискининг олдини олиш мақсадида ички солиқ назоратини ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Ички солиқ назоратини ташкил этишдан асосий мақсад – солиқ органлари томонидан корхона молиявий хўжалик фаолиятини текширишга оид назорат ўтказилгунга қадар солиқ хатоларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш орқали молиявий жавобгарликларнинг олдини олишдир.

Корхоналарда солиқ мажбуриятларини бошқаришда солиқ таҳлили ҳам муҳим аҳамият касб этади. Солиқ таҳлили ўтказилаётганда солиқлар ва мажбурий ажратмалар умумий таҳлили, солиқ юки таҳлили, солиқлар бўйича қарздорлик таҳлили, солиқ имтиёзларидан фойдаланиш ҳолати таҳлили, солиқ базаси таҳлили амалга оширилади. Масалани ўрганиш натижаси ўлароқ таъкидлашимиз мумкинки, ички солиқ назорати ва солиқ таҳлилини ташкил этиш иқтисодиётни модернизациялаш шароитида хўжалик субъектлари маблағларидан самарали фойдаланишга хизмат қиласди, солиқ ҳукуқбузарликлари туфайли молиявий йўқотишларнинг олдини олади, солиқлар ва мажбурий ажратмаларнинг давлат бюджетига ўз вақтида ва тўлиқ тушишини таъминлайди ҳамда хўжалик субъектлари молиявий барқарорлигини оширади.

Ўзбекистон солиқ хизмати органлари бошқариш тизими шакллантириш орқали солиқларни бюджет даромадларига бир тартибда тушишини таъминлаш мумкин бўлади. Бу тизимнинг асосий таркибий қисмларини ривожлантириш жараёнида корпоратив ахборот тизимлари муҳим ўрин тутади. Ҳукуматимиз томонидан солиқларни режалаштириш ҳар томонлама ривожлантириш учун

барча имкониятлар яратилган. Бу эса изчиллик билан амалга оширилаётган, биринчи навбатда солиқ юкини камайтиришга қаратилган оқилона солиқ сиёсати иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларга, хўжалик юритувчи субъектларнинг ишбилармонлик фаоллиги ва молиявий барқарорлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда¹².

Солиқ хизмати органларининг ягона ҳисоб сиёсатини шакллантирмай туриб, солиқ сиёсатини шакллантириши алгоритмларисиз, соликлани режалаштириш бўйича ишлаб чиқилган схемаларисиз (масалан, орган таркибига кирувчи бўлинмалар учун таркибий ва амалдаги бюджетларни мувофиқлаштириш, келиштириш, тузатиш, шакллантириш тартиботлари) молиялаштириш манбаларидан мақсадли фойдаланиш устидан назорат, умуман, бошқарув ҳисоби схемалари, ҳисоб-китоб тартиби ва бошқа харажатларга лимитларнинг шаклланиш механизmlарисиз - бу масалаларни дастлаб ишлаб чиқмай, бирор-бир автоматлаштирилган кичик тизим солиқ хизмати органларини бошқариш тизимининг чекланган қисми бўлишига ишонч ҳосил бўлмайди.

Солиқ хизмати органлари иқтисодий ўзгаришларига мутаносиб ҳолда мослашуви муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун маълумотларни реал вақт доирасида қайта ишлаш ва режалаштириш базасини яратиш жуда муҳим. Бундан келиб чиқадики, маълумотлар тезкорлиги, уларни ўз вақтида янгилар бориши ҳолатларини АТ бизнесини лойиҳалашнинг характерли мезони, деб ҳисоблаш мумкин.

Бозор иқтисодиёти шароитида солиқ хизмати органлари фаолиятида иш шароити келгусида қандай бўлишининг ноаниқлиги билан боғлиқ хавф юзага келади. Бунда солиқ хизмати органлари раҳбарлари томонидан нотўғри қарорлар чиқарилиши ҳам катта таъсир кўрсатади. Солиқ хизмати органлари фаолиятининг хавф-хатарга дуч келиши билан боғлиқ муаммолар солиқ

¹² Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. //Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь

хизмати органлари раҳбарлари ва ходимларинигина эмас, хўжалик субъектлари, инвесторлар ва солик тўловларини етказиб берувчиларни, шу жумладан, солик тўловчиларни ҳам ташвишга солади. АТ даги хавфни камайтириш учун ундаги маълумотларни ҳар кун таҳлил қилиб бориш лозим.

Соликка тортишни режалаштириш барча соҳаларга зарур ахборотларни ўз вақтида етказиб бериш солик хизмати органларининг самарадорлигини ошириш, кабул қилинаётган қарор ва фармонларнинг долзарблиги ва асосийлигини таъминлашга ёрдам беради. Бу мақсадларга мураккаб ахборот тизимлари, ажойиб маҳсус математик таъминотга асосланган компьютер объектларини амалиётга татбиқ қилиш воситасида эришиш мумкин.

Хулоса

Тадқиқот натижалари сифатида солиқларни самарали бошқаришни ташкил этиш ва ривожлантиришга қаратилған қўйидаги илмий хулосаларни келтиришимиз мумкин.

1. Корхоналарда солиқ менежментини ташкил этишда давлат ва солиқ тўловчилар ўртасидаги солиқлар бўйича манфаатлар тўқнашуви ва ўзаро қарама-қаршиликни ҳисобга олиши керак. Зеро давлат имкон қадар кўпроқ солиқ ундиришга интилади, солиқ тўловчилар эса имкон қадар солиқларни камроқ тўлашга ёки умуман тўламасликка ҳаракат қиласди. Бунда солиқ тўловчи молиявий қонунчилик бузилишига йўл қўйиши жиддий молиявий йўқотишларга сабаб бўлишини унутмаслик талаб этилади.

2. Корхоналарда солиқларни режалаштириш амалиётини ташкил этишда соликли вазиятлардан келиб чиқсан ҳолда стратегик режалаштириш, солиқ имтиёзларидан самарали фойдаланишга қаратилған жорий режалаштириш, солиқларни ўз вақтида ва тўлиқ тўлашга қаратилған, шунингдек шартномавий муносабатларни ҳисобга олувчи оператив режалаштириш тарзида ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

3. Корхоналарда амалга оширилган молиявий операциялар ва улар бўйича ҳисобланадиган солиқларни тўлаш муддатларидан келиб чиқсан ҳолда ҳар ой ёки чорак бўйича солиқ бюджетини тузиб чиқиш лозим. Бунда тузиб чиқилған солиқ бюджети солиқларнинг ўз вақтида тўланишига хизмат қилиши билан бир вақтда солиқлар бўйича боқимандалик ҳолатларининг ҳам камайишига хизмат қиласди.

4. Ҳар бир молия йилининг охирида солиқ қонунчилигига кўплаб ўзгаришлар киритилиши натижасида молия йилининг биринчи чорагида солиқ хатолари ва рискларининг юзага келиши кўпроқ кўзга ташланади. Бунинг олдини олиш учун давлат бюджети параметрларини кучга кириш

муддатидан камида бир ой олдин матбуотда эълон қилинишини ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Солик тизимининг нобарқарорлиги ва айниқса, кичик бизнес ва хуеусий тадбиркорлик учун соддалаштирилган соликқа тортиш механизмларининг ўзгарувчанлиги солик тўловчилар иқтисодий фаолиятига салбий таъсир кўрсатади. Зоро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, «соликлар кенг камровли, айни пайтда ҳар бир соҳа, тармоқ ва корхонага алоҳида қайишқоқ ва шароитга мослашувчан»¹³ бўлмош лозим. Бундан ташқари, солик тизимининг турли хил солик режимларига асосланган ҳолда, табақалашиб кетгани ҳозирги глобализация шароитида бозор иқтисодиёти талабларига жавоб бермайди.

Шу сабабли, халқаро солик амалиётида синалган, илғор хорижий тажрибаларга таянган аниқ тамойиллар асосида соликқа тортишни имкон қадар соддалаштириш ва унификациялаш ҳамда солик механизмларининг қайишқоқлигини таъминлаш орқали мамлакат солик тизимида режалаштириш тизимини кучайтириш орқали бюджет даромадларини барқарорлаштириш, самарадорлигини ошириш ва модернизациялаш мумкин бўлади.

¹³ Каримов И.А. Ўзбекистон – келажаги буюк давлат. – Т.: Ўзбекистон, 1992. – 26 б.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Адолат, 2016. – 40 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси (Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2007 йил 25 декабрдаги 136-сон қонуни билан тасдиқланган) (кейинчалик киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда).
3. Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодекси (Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2013 йил 26 декабр ЎРҚ-360-сон қарори билан тасдиқланган).
4. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. //Халқ сўзи, 2017 йил 15 январь, № 13 (5687)
5. Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. – Т.: Ўзбекистон, 2015.
6. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. – Т.: Ўзбекистон, 2005.
7. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қиласди. – Т: Ўзбекистон, 2011. – 6 б.
8. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга

- юришдир. //Халқ сүзи, 2016 йил 15 январ. №12.
9. Абулқосимов Х.Р., Хамраев О.Я. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2014. – 304-б.
 - 10.Ансофф И. Стратегический менеджмент. – СПб.: Питер, 2011. – 344 с
 - 11.Барулин С.В. Финансы. – М.: КНОРУС, 2011. – 640 с.
 - 12.Бочаров В.В. Корпоративные финансы. – СПб.: Питер, 2012.
 - 13.Вахабов А., Разыкова Г. Модернизация экономики. Учебное пособие. – Т.: Iqtisod-moliya, 2014. – с. 200.
 - 14.Вахабов А.В. ва бошқ. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар. Ўқув қўлланма. – Т.: Iqtisod-moliya, 2014. – 372 б.
 - 15.Вахабов А.В., Санакулова Б.Р. Кичик бизнес ва тадбиркорликни солиқка тортиш. Дарслик. – Т.: Иқтисод-молия, 2013. – 388-б.
 - 16.Вахобов А., Қосимова Г., Жамолов Х. Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлиги. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод ва молия, 2005.
 - 17.Ваҳобов А., Қосимова Г. Давлат молиясини бошқариш. Ўқув қўлланма. - Т.: Iqtisod-moliya, 2008. -287б.
 - 18.Зайналов Д., Саттаров Т. Проблемы обеспечения финансовой стабильности предприятий. Монография. – Т.: Шарк, 2011.
 - 19.Mamatov B.S. va boshq. Investitsiyalarni tashkil etish va moliyalashtirish. Darslik. – Т.: Iqtisod-moliya, 2014. – 608 б.
 - 20.Маликов Т.С., Жалилов П.Т. Бюджет-солиқ сиёсати. – Т.: Академнашр, 2011. – 472 б.
 - 21.Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ. Молия: умумдавлат молияси. – Т.: Молия, 2009.
 - 22.Нурмухамедова Б., Кабирова Н. Финансы. Учебное пособие. – Т.: Iqtisod-moliya, 2010.
 - 23.Управление финансами (Финансы предприятий): Учебник под ред. А.А.Володина. / – М.: ИНФРА-М, 2011. – 504 с. - (Высшее образование).

- 24.Рахимов М.Ю. Иқтисодиёт субъектлари молиявий ҳолатининг таҳлили. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2013. – 392-б.
- 25.Суэтин А.А. Международные валютно-финансовые отношения: учебник / А.А. Суэтин. - 4-е изд., перераб. и доп. – М.: КНОРУС, 2010. – 440 с.
- 26.Ткаченко И.Ю., Малых Н.И. Инвестиции: учеб. Пособие. – М.: Академия, 2009. – 240 с.
- 27.Тошматов Ш.А. Кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш асослари. – Т.: Молия, 2012. – 97 б.
- 28.Тошмуродова Б.Э., Элмирзаев С.Э. Корпоратив солиқ менежменти. – Т.: Мумтоз сўз, 2010. – 104 б.
- 29.Тошмуродова Б.Э., Элмирзаев С.Э., Ахмедов Х.Р. Корпоратив молия стратегияси. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2013. – 128 б.
- 30.Хусанов Ф. ва бошқалар. Молиявий менежмент. – Т.: 2008
- 31.Черкасов В.Е. Международные инвестиции. Учебно-практическое пособие. – М.: Дело, 2010. – 160 с.
- 32.Шодибекова Да.А. Кичик бизнесни бошқариш. Ўқув қўлланма. – Т.: 2010. 280 б.
- 33.Юлдашев С. ва б. Молиявий менежмент. – Т.: Ворис, 2013
- 34.Brigham E.F., Houston J.F. Fundamentals of financial management. Third edition, – Florida: Harcourt college publisher , 2010 у.
- 35.Журналлар: Бозор, пул ва кредит 2015-2016 йил сонлари, Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси 2015-2016 йил сонлари, Иқтисод ва молия 2015-2016 йил сонлари, Молия 2015-2016 йил сонлари.
- 36.Интернет сайatlari:
- http: //www.iqtisodiyot.uz
- http: //www.mf.uz
- http: //www.lex.uz
- http: //www.stat.uz
- http: //www.uza.uz